

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.29.12.2018. S.23.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ТОЖИБАЕВ БАХРОМЖОН ТУРАБАЕВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОН ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРИДА ДЕВИАНТЛИК  
ПРОФИЛАКТИК ОМИЛЛАРИНИНГ СОЦИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ**

**22.00.02 - Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи**

**СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по социологским наукам**

**Content of the abstract dissertation of the doctor of Philosophy (PhD) on  
sociological sciences**

**Тожибаев Бахромжон Турабаевич**

Ўзбекистон ўқувчи-ёшларида девиантлик профилактик омилларининг  
социологик таҳлили.....3

**Тожибаев Бахромжон Турабаевич**

Социологический анализ факторов профилактики девиантности у  
учащейся молодежи Узбекистана.....27

**Tojibaev Bakhromjon Turabayevich**

Sociological analysis of prophylactical factors of deviant behaviors among the  
students and youth of Uzbekistan.....51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....55

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.29.12.2018. S.23.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ТОЖИБАЕВ БАХРОМЖОН ТУРАБАЕВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОН ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРИДА ДЕВИАНТЛИК  
ПРОФИЛАКТИК ОМИЛЛАРИНИНГ СОЦИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ**

**22.00.02 - Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи**

**СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/ Sots 19 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Наманган муҳандислик технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида info@dba.uz ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Юнусов Алишер Бобомуродович</b> социология фанлари номзоди
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Абдуазимов Оқилжон Ўтқурович</b> социология фанлари доктори <b>Ахроров Сухрабхон Юнусович</b> социология фанлари номзоди
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Ўзбекистон Миллий Университети</b>

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги DSc 29.12.2018.S.23.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: 0(371) 232-60-47; факс: 0(371)239-17-83, e-mail: info@dba.uz Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Маъмурий биноси, 2-қават, мажлислар хонаси).

Диссертацияси билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (№ 46 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: 0(371) 232-60-47; факс: 0(371)239-17-83, e-mail: info@dba.uz Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Маъмурий биноси, 2-қават, мажлислар хонаси)

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кuni тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**М.Б.Бекмуродов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, социология фанлари доктори, профессор

**А.Б.Юнусов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, социология фанлари номзоди, доцент

**Ш.М.Содиқова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, социология фанлари доктори

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунё миқёсида таълим инсон капитали шаклланишининг муҳим омили сифатида намоён бўлиши билан бирга, ўқувчи-ёшларнинг дунёни билишга ва унда ўз ўрнини, мавқеини белгилаб олишга бўлган интилишлари кучайиб бормоқда. Жаҳон банкининг иқтисодий ўсиш муаммолари бўйича тадқиқотлари натижалари шуни кўрсатадики, иқтисодиёт соҳасидаги мамлакатларнинг 16% жисмоний капитал, 20% табиий ва 64% инсон капиталига боғлиқ<sup>1</sup>. Шу билан бирга, таълим муассасаларида ўқувчиларнинг тарбияси, уларни ижтимоий меъёрларга оғишмай амал қиладиган шахс сифатида тарбиялаш масалалари ҳам долзарб аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Жаҳонда ўқувчи-ёшларнинг тарбияси, ижтимоий меъёрларга риоя қилиши девиантликнинг самарали профилактикасининг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Назарий социологиядаги “ҳамкорлик” ва “зиддиятли” ёндашувларнинг такомиллашган тажрибаси сифатида “қўшнилар назорати - neighborhood watch” (АҚШ, Англия, Австралия, Ҳиндистон), “жиноятчиликни тўхтатамиз - crime stoppers” (Буюк Британия), позитив ташқи муҳитни ташкил этиш орқали жиноятчилик профилактикаси (АҚШ, Канада) ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича комплекс дастурлар “WEED and SEED” (АҚШ), “Safety City” (Буюк Британия), ETE-JEUNES (Франция), ижтимоий назорат ташкилотларининг махсус бўлимлари SSP (Дания, Нидерландия) каби манзилли йўналишларда девиантлик профилактикасига доир тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимиздаги ислохотларнинг негизида, ижтимоий меъёрларга ёшларимизнинг мослашиши, кўникма ҳосил қилиши давр талаби даражасига кўтарилди. Қайд этилишича, 2017 йилда жиноятларнинг қарийб 30 фоизи вояга етмаганлар ва ёшлар томонидан содир этилган<sup>2</sup>. Бу эса, Ўзбекистонда кенг кўламда амалга оширилаётган профилактик тадбирларнинг муҳим жиҳатини ўсмир-ёшлар билан олиб бориладиган ишлар ташкил қилишини кўрсатади. Шу сабабли ўқувчи-ёшлар девиантлик ҳолатлари профилактикаси бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. “Биз **“Адолат – қонун устуворлигида”** деган тамойил асосида жамиятимизда қонунга ҳурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига мурасасизлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган ишларимизни жадал давом эттирамиз. Бу борада ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилади<sup>3</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон Фармони билан тасдиқланган “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини

<sup>1</sup> <https://sibac.info/studconf/science/XVIII/72546>

<sup>2</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.08.2018 й., 04/19/1896-III/КҚ-392-III/2828-сон

<sup>3</sup> Мирзиёев Ш. М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 11 б.

қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги, шунингдек, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харажатлар стратегияси тўғрисида”ги ва 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сон “Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари” тўғрисидаги Қарорларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади. Ушбу соҳадаги муаммоларни социологик тадқиқотлар ёрдамида ўрганишимиз эса мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 22 февралдаги “Социологик тадқиқотлар ўрқазилни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5667-сон Фармонида кўрсатиб ўтилган вазифаларни бажариш йўлидаги ҳамоҳанг изланишларнинг бир қисмидир.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик давлатни ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жамиятдаги девиант хатти-ҳаракатлар инсоният маданий тарихининг дастлабки даврларидан антик давр файласуфлари (Сократ, Платон, Аристотель,) эътиборини тортган. Аристотель биринчи бўлиб, қадимги дунё ахлоқида инсон хулқи моҳиятини илмий тадқиқ қилди. Ана шундай илмий тадқиқотлар натижасида инсон хулқ-атворида доир фанларнинг методологик замини яратилди. Мутафаккирларимиздан Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шахри”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” сингари асарларида ҳам мазкур муаммо ва унинг ечимлари кўтарилган.

Хорижлик олимлар девиантликнинг профилактик омиллари ва кўринишларини турли ижтимоий контекстларда ўрганган. Жумладан, Р.Мертон Э.Дюркгеймнинг “ижтимоий аномия” таълимотини қайта кўриб чиққан бўлса, Клоуард ва Оулинлар “ижтимоий тенгсизлик” назариясини ишлаб чиқишди, шунингдек “табақалашган уюшмалар“ (Э.Сатерланд), “нейтрализация” (Г.Сайкс, Д.Матза), “Стигматизация” (Ф.Танненбаум, И.Гоффман, Д.Уолкс) назарияларини кўрсатиш мумкин.

Мамлакатимиз олимларидан М.Бекмурадов, М.Ганиева, Р.Убайдуллаева, Н.Латипова, Ўзбекистон ёшларида девиантликни социология фани нуқтаи назаридан ижтимоий-психологик жиҳатларини, З.Расулова, Н.Соғинов, А.Комилов, Ш.Олимов, Н.Далимова, Н.Қосимова, Ю.Асадов, Р.Мусурманов, Н.Ҳалиловалар тадқиқ этган бўлса, ижтимоий-педагогик жиҳатларини Н.Сайдалиходжаева, Д.Зиядова, В.Андряновалар, криминологик жиҳатларини И.Каракетов, А.Абдурасулова, М.Усмоналиев,

З.Амировлар ўрганишган<sup>4</sup>. Шунингдек, А.Юнусов<sup>5</sup> ўсмир-ёшлардаги ижтимоий девиантлик ҳолатларининг социологик хусусиятлари ва С.Ю.Аҳроров<sup>6</sup> ҳарбий хизматчилар шахсида девиант хулқ намоён бўлишининг ижтимоий хусусиятларини тадқиқ қилишган.

Олиб борилган тадқиқотларда Ўзбекистон ўқувчи-ёшларида девиантлик профилактик омилларининг социологик таҳлили, уларнинг хулқ-атворидаги ижтимоий-руҳий, интеллектуал ўзгаришлар таснифи, ижтимоий меъёрлар ва ижтимоий назоратнинг девиантлик ҳолатлари бўйича алоҳида изланишлар етарли даражада ўрганилмаётгани эътироф этилган. Бу эса диссертант томонидан девиантлик феноменининг профилактик жиҳатларини тизимли тарзда тадқиқ этиш учун асос вазифасини ўтади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация Наманган муҳандислик-технология институти илмий тадқиқот ишлари режасининг “Ўзбекистонда маънавий ва оилавий тарбия масалалари” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон ўқувчи-ёшларида девиантлик профилактикаси самарадорлигини ошириш имкониятларини тизимли тадқиқ этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

“девиант хулқ-атвор” тушунчасини бугунги кун нуқтаи назаридан тавсифлаш;

ўқувчи-ёшлар хулқ-атворидаги ижтимоий, руҳий ва интеллектуал ўзгаришларни девиантологик нуқтаи назардан таҳлил этиш;

Ўзбекистон ўқувчи-ёшларидаги ижтимоий позитив идеаллар, тимсолларни ўзлаштиришдаги камчиликлар ва ижтимоий фаол бўлмаган табақалашув тенденциясини девиантликка сабаб бўлувчи омиллар эканлигини асослаш;

жамиятдаги мавжуд ижтимоий меъёрларнинг ноаниқлиги ва жамоавий назоратнинг беқарорлигини ўқувчи-ёшларда девиантликнинг юзага келишига таъсир этиш омилларини очиб бериш;

ўқувчи-ёшлардаги мавжуд девиантлик профилактикаси бўйича хориж тажрибасини ўрганиш;

оила, кўча ва тенгдошлар гуруҳида шаклланувчи бирламчи микромуҳит девиантлиги профилактикасида миллий қадриятларга асосланган анъанавий ёндашув (устоз-шогирдлик ва тьюторлик тизимларини жорий қилиш, ижтимоий индикаторларни ҳисобга олиб ҳаракатланиш, ўқувчи-ёшлар тарбиясига масъулларнинг билимларини ошириб бориш)ни қўллаш фаолият натижадорлигини оширишини асослаш;

<sup>4</sup> Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

<sup>5</sup> Юнусов А.Б. Ўсмир-ёшларда ижтимоий девиантлик ҳолатларининг социологик хусусиятлари. Социология фанлари номзоди даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. –Т.: ЎзМУ, 2004.

<sup>6</sup> Аҳроров С.Ю. Ҳарбий хизматчилар шахсида девиант хулқ намоён бўлишининг ижтимоий хусусиятлари: Социология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация Автореферати –Т.: ЎзМУ, 2008.

ўқувчи-ёшлардаги ижтимоий-руҳий ва интеллектуал ўзгаришлар натижасида девиантликнинг юзага келишига сабаб бўлувчи ижтимоий, руҳий, интеллектуал турларга ажратилган ижтимоий омиллар таснифини ишлаб чиқиш;

ўқувчи-ёшларни нокомформлилик (тарбияга ёпиқлик) ҳолатидан конформлилик (тарбияга очиқлик) ҳолатига ўтказишда тарбияни субъектлари имижини оширишдан иборат превентив ёндашув самарадорлиги асослаш.

**Тадқиқот объекти** ўқувчи-ёшларда девиантлик ҳолатлари намоён бўлишининг социологик таҳлили ва профилактик омиллари.

**Тадқиқотнинг предмети** Ўзбекистон ўқувчи-ёшларидаги девиантлик ҳолатларига муносабат ва унга қарши кураш борасида олиб борилаётган ишлар ҳолатини тизимли тадқиқ этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда синтез, қиёсий таҳлил, махсус девиантологик тест, анкета сўровномаси усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

жамиятдаги мавжуд ижтимоий меъёрларнинг ноаниқлиги ва жамоавий назоратнинг беқарорлиги ўқувчи-ёшларда девиантликнинг юзага келишига таъсир этувчи омиллар эканлиги очиқ берилган;

ўқувчи-ёшлардаги ижтимоий-руҳий ва интеллектуал ўзгаришлар натижасида девиантликнинг юзага келишига сабаб бўлувчи ижтимоий, руҳий, интеллектуал турларга ажратилган ижтимоий омиллар таснифи ишлаб чиқилган;

ўқувчи-ёшларни нокомформлилик (тарбияга ёпиқлик) ҳолатидан конформлилик (тарбияга очиқлик) ҳолатига ўтказишда тарбия субъектлари имижини оширишдан иборат превентив ёндашув самарадорлиги асосланган;

оила, кўча ва тенгдошлар гуруҳида шаклланувчи бирламчи микромуҳит девиантлиги профилактикасида миллий кадриятларга асосланган анъанавий ёндашув (устоз-шогирдлик ва тьюторлик тизимларини жорий қилиш, ижтимоий индикаторларни ҳисобга олиб ҳаракатланиш, ўқувчи-ёшлар тарбиясига масъулларнинг билимларини ошириб бориш)ни қўллаш фаолият натижадорлигини ошириши асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон ўқувчи-ёшларидаги девиантлик ҳолатларига сабаб бўлувчи социологик омиллар аниқланган;

девиант ҳулқ-атворли ўқувчи-ёшларни соғломлаштирувчи омиллар ишлаб чиқилган; мазкур мавзу юзасидан махсус социологик тадқиқот дастури ва сўровномаси ишлаб чиқилиб, амалиётда синаб кўрилган;

ўтказилган махсус тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, республикамиз ўқувчи-ёшларида девиантлик ҳолатлари профилактикасига доир тавсиялар ишлаб чиқилган;

мазкур муаммо келажаги юзасидан илмий асосланган башорат (прогноз) концепцияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги



махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, респондентлар билан ўтказилган сўровномалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўқувчи-ёшларда девиантлик профилактикасининг замонавий хусусиятлари ва концептуал асосларининг тизимли таҳлил қилинганлиги ҳамда унинг натижаларидан ушбу йўналишдаги тадқиқотларни олиб боришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертациянинг хулоса ва тавсияларидан Ўзбекистон ўқувчи-ёшларида девиантлик профилактикасига доир фаолиятда, тарбиявий ишлар самардорлигини оширишда, ижтимоий назоратни оптимал даражада ташкил этишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистон ўқувчи-ёшларидаги девиантликнинг профилактик омилларини тадқиқ қилиш асосида:

ўқувчи-ёшлардаги ижтимоий-руҳий ва интеллектуал ўзгаришлар натижасида девиантликнинг юзага келишига сабаб бўлувчи ижтимоий, руҳий, интеллектуал турларга ажратилган ижтимоий омиллар таснифидан Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтида 2017 йил ноябрь-декабрь ойларида ўтказилган “Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш муаммолари” мавзусидаги социологик тадқиқотда фойдаланилган (Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтининг 2019 йил 18 февралдаги 01/461 – сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари ёшларда девиант хулқ-атворнинг юз бериш механизмини чуқур таҳлил қилиш ва профилактикага оид таклиф ва тавсияларни бойитиш имконини берган;

ўқувчи-ёшларни нокомформлилик (тарбияга ёпиқлик) ҳолатидан конформлилик (тарбияга очиқлик) ҳолатига ўтказишда тарбия субъектлари имижини оширишдан иборат превентив ёндашув самардорлигини оширишига доир тавсияларидан “Бошқарув психологияси ва социологияси” фани дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган ва ҳамкорликда “Ёшларда меъёрдан оғишларнинг ижтимоий омиллари” мавзусида услубий қўлланма тайёрланиб, нашр қилинган (Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтининг 2019 йил 18 февралдаги 01/461 – сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши ўқувчи-ёшларда конформлиликни мақбул йўналишда бошқариш орқали девиантлик профилактикаси самардорлигини оширишга, ўқувчи-ёшларда девиантлик профилактикаси бўйича тарғибот-ташвиқот ишлар услубиётини бойитишга хизмат қилган.

социологик нуқтаи назардан тадқиқ этилган жамиятдаги ижтимоий меъёрлар ва ижтимоий назоратни ўқувчи-ёшлардаги девиантлик ҳолатлари

юзага келишига таъсири омилларидан келиб чиқадиган таклифлар, тавсиялардан Республика Таълим марказининг илмий-амалий ва тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда ҳамда “Ўқувчи-ёшлар ўртасида ижтимоий меъёрларга риоя қилмасликнинг ижтимоий омиллари” номли илмий-услубий кўрсатмани тайёрлашда фойдаланилган. (Республика Таълим марказининг 2019 йил 6 мартдаги 01/01-01/5-501-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар профилактика йўналишлари, социологик омиллари, хулоса ва тавсиялари таълим муассасалари ўқувчи-ёшлари ўртасидаги хулқ-атвор бузилишларини олдини олишда, унинг ижтимоий омилларини таҳлил қилишда ва профилактик чоралар тизимини амалиётга жорий этишда хизмат қилган;

ойла, кўча ва тенгдошлар гуруҳида шаклланувчи бирламчи микромуҳит девиантлиги профилактикасида миллий кадриятларга асосланган анъанавий ёндашув (устоз-шогирдлик ва тьюторлик тизимларини жорий қилиш, ижтимоий индикаторларни ҳисобга олиб ҳаракатланиш, ўқувчи-ёшлар тарбиясига масъулларнинг билимларини ошириб бориш)ни кўллаш фаолият натижадорлигини оширишга доир хулоса ва тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг “Глобаллашув шароитида тинчлик ва барқарорликка таҳдид солувчи ғоявий, мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши курашнинг замонавий механизм ва технологияларини яратиш” амалий лойиҳасини (грант рақами ПЗ-20170930369) бажаришда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2019 йил 14 февралдаги 02/011-164-19 – сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши ёшларда девиант хулқ-атворнинг юз бериш механизмни чуқур таҳлил қилиш ва профилактикага оид таклиф, тавсияларни бойитиш имконини берган;

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот таркиби кириш, еттита параграфни ўз ичига олган уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалар ва социологик тадқиқот саволномасидан иборат. Матннинг умумий ҳажми 134 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, назарий ва методологик асослари, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, синовлардан ўтганлиги асослаб берилган.

Диссертациянинг «Девиант хулқ-атвори социологик тадқиқ этишнинг илмий-назарий асослари» деб номланган биринчи бобида дастлаб, девиантлик ўрганилишининг қисқача тарихини ёритишдан бошланган.

Ҳар бир жамият тараққиётида фундаментал ўзгаришлар юз берадиган тарихий ўтиш даври бўлади ва бу ҳолат унинг кейинги тараққиётига ҳам жиддий таъсир кўрсатади. Юртимиз тараққиёти эркин бозор иқтисодиётига юзланар экан, бу муайян ўтиш даврини юзага келтиради ва янги даврнинг ижтимоий-иқтисодий талабларига, ижтимоий меъёрларига одамларимизнинг мослашиши, кўникма ҳосил қилиши зарурият даражасига кўтарилди. “Жамиятда кучли ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва бошқа бухронлар инсонлараро муносабатларни тартибга солиб турган эски ижтимоий меъёрлар даврнинг янгича талабларига жавоб бермай қолади”<sup>7</sup>. Ушбу жараёнларни девиантлик ҳолатларига ташқи таъсир омили сифатида қайд этишимиз мумкин.

Жамият аъзоларининг ижтимоий меъёрларга риоя қилмаслик ҳолатларини Антик давр файласуфлари (Аристотель, Платон, Сукрот), шунингдек, Юсуф Хос Ҳожиб, Абу Наср Форобий, Жалолоддин Давоний каби мутафаккирларимиз ҳам ўрганишган. Оғишларни дастлабки илмий тизимга асослаб Чезаре Беккария ўрганган бўлса, дастлабки амалий тадқиқотларни франциялик антрополог Пол Пьер Брока ва италиялик криминолог-психиатр Чезаре Ломброзолар амалга оширишди. Девиантлик биологик (Ч.Ломброзо, Э.Ферри, У.Шелдон, Э.Крачмер), психологик (З.Фрейд, А.Адлер, Э.Фромм, Е.Змановская) ва социологик омиллар (Э.Дюркгейм, Р.Мертон, Э.Гидденс, Я.Гилинский) асосида ўрганилган. Оғишларнинг омили сифатида, дастлаб, биологик мезонлар асос қилиб олинган бўлса, кейинги тадқиқотларда унинг ижтимоий-психологик табиатга эғалиги исботланди<sup>8</sup>.

Девиант хулқ-атвор, Я.Гилинский фикрига кўра, мавжуд расмий меъёр ва қоидаларга мос келмасликдир,<sup>9</sup> Э.Гидденснинг фикрига кўра, девиация (оғиш) гуруҳ ёки жамиятда кўпчилик одамлар томонидан қабул қилинган меъёр ва меъёрлар йиғиндисига мос келмасликдир,<sup>10</sup> А.Юнусов фикрига кўра, девиантлик жамиятда ўрнатилган турли ахлоқий, диний, ҳуқуқий ва бошқа шу каби ижтимоий меъёрлардан оғиш жараёнини юзага келтирувчи шахс ёки шахсларнинг меъёрдан чекинувчи хулқ-атвори сифатида таъкидлаган бўлса<sup>11</sup>, “Социология” изоҳли луғатида девиантлик муайян ижтимоий контекста жамиятда қабул қилинган ёки “меъёрий” ҳисобланган

<sup>7</sup> Мертон Р. Социальная структура и аномия. // Соц.ис., 1992. №2.

<sup>8</sup> <https://sciencemag.org/.../genetics-may-explain-25-same-s...>

<sup>9</sup> Гилинский Я.И. Девиантное поведение подростков: состояние, проблемы, перспективы // Бюллетень защиты прав ребенка. – СПб.: Питер, 1994. – С. 7

<sup>10</sup> Гидденс Энтони. Социология: олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма / Тарж. Н.Маматов ва А.Бегматов. – Т.: Шарқ, 2002. – Б.141

<sup>11</sup> Юнусов А.Б. Ўсмир-ёшларда ижтимоий девиантлик ҳолатларининг социологик хусусиятлари. Социология фанлари номзоди даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. –Т.: ЎзМУ, 2004. – Б. 48

хулқ-атвордан оғувчи хатти-ҳаракат дея тавсифланган<sup>12</sup>. Диссертант фикрича, девиация масаласига дохил тушунчалар интерпритациясида девиантлик атамасини қўллаш мақсадга мувофиқ, чунки “девиантлик” тушунчаси ўзида фаолият ва ҳаракатни англатса, девиант хулқ-атвор ўзида фитрий-хулқий хусусиятни акс эттиради. Мазкур масалага социологик нуқтаи назардан ёндашув девиацияни шахс ирсиятига, характериға боғлиқлиғига асосий урғуни бермайди, у, асосан, ижтимоий муҳитга алоқадорликни кўзда тутди. Бизнинг фикримизча, девиантликни ижтимоий гуруҳ ёки жамиятда кўпчилик томонидан қабул қилинган меъёрлар тизимиға рия этмаслик ҳаракати, фаолияти ёки турмуш тарзи дейишимиз мумкин. Ушбу таъриф Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида” Қонуни 3-моддасида асосий тушунчалардан бири сифатида қайд этилган - шахснинг жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини бузувчи турмуш тарзи, ҳаракати ёки ҳаракатсизлигининг ғайриижтимоий хулқ-атвор сифатида баҳоланишиға ҳам мос келади.

Ушбу бобнинг иккинчи параграфида девиант хулқ-атвор намоён бўлишининг социологик аспектларини “табақалашган уюшмалар”, стигматизация, символик интеракционализм, структуравий-функционализм ва конфликт назариялари асосида изоҳлаш ушбу муаммони мукамал ўрганиш имконини бериши изоҳланган. “Табақалашган уюшма” назариясида жиний гуруҳлар вакиллари билан индивиднинг ўзаро таъсирига урғу берилса, аномия назариясида индивид жамиятда дуч келадиган босимға асосий эътибор қаратди, стигматизацияда эса ижтимоий институтлар ва ижтимоий гуруҳларни индивид хулқ-атвориға таъсир қилишида юз берадиган эффектға эътибор қаратилади. Девиант шахслар ўз хатти-ҳаракатларига яраша илгари “мукофотланганлар” ёки “муайян типдаги ёрлик ёпиштирилган” инсонлардир. Символик-интеракционализмға кўра, инсонлар жамиятда муайян тимсолий тузилишларға мансуб ҳолда улғаядилар. Ижтимоий идеалларда жамиятдаги ислоҳотлар натижасини ўзида гавдалантирувчи тимсоллар яширинган бўлади. Ушбу вазиятнинг девиантологик жиҳати шундан иборатки, қайси жамиятда вертикал бошқарув услублари ёки номенклатура мавжуд экан, ўқувчи-ёшларда амалдор идеали кўпроқ пайдо бўла бошлайди. Бизнинг социологик кузатишларимизға кўра, ўқувчи-ёшларимиз кейинги пайтлардаги ислоҳотлар натижасида кўпроқ амалдор бўлишдан кўра, тадбиркор идеалини танлашмоқда. Структуравий-функционализмға кўра, кўпгина вазифалар ёки талаблар жамиятда кўпчиликни омон қолиши учун муҳим. Бу вазият шуни англатадики, меъёрлар ва қонунлар барча учун баробар экан, у жисмоний ёки ижтимоий жиҳатдан етуқларни ожизлар устидан тажовузкорлигини ёки бошқа хатти-ҳаракатларидан ҳимоялаш имкониятини берувчи ижтимоий омилдир. Куч - имкониятлар кимлар қўлида бўлса, бошқалар устидан назорат ёки таъсир

---

<sup>12</sup> Большой толковый социологический словарь (Collins). Том 1 (А-О): Пер. с англ. – М.: Вече, АСТ, 1999. – С.161

воситасига эга бўладилар. Конфликт назариясига кўра, имконият, лаёқат ва ижтимоий статуслар одамларнинг манфаатлари тўқнашган вазиятларда уларни зиддиятларга мансуб қилиб қўяди. Девиантологик нуқтаи назардан эса фитратига кўра, турфа хил ҳулқ-атворга эга инсонларнинг ижтимоий-иқтисодий имкониятларига ташқи муҳит таъсири устувор бўлса, лаёқат эса шахс иродасига боғлиқ субъектив мезондир. Ўқувчи-ёшлардаги девиантологик дилеммаларни юқоридаги социологик назариялар орқали тушунтириш методологик жиҳатдан кўпроқ қулайликка эга. Мазкур назарияларни тушунтириш ўқувчи-ёшлардаги девиантлик ҳолатлари табиатини англаб олишимизга ёрдам беради.

Ўқувчиларни ижтимоий гуруҳларга ажратиб ёндашиш уларда ҳаётни конструктив англаш билан бирга, воқеликка жамоавий ёндашиш динамикасини юзага келтириши асосланган. Қуйидаги чизмада ўқувчилар тоифалаштирилган тўртта гуруҳининг девиантлик гуруҳига қўшаётган ҳиссаси акс этган.



1-расм. Ўқувчи-ёшлар ижтимоий гуруҳларининг девиантлик гуруҳига қўшаётган ҳиссаси

Мазкур расмда кўриниб турибдики, жамиятдаги мавжуд анъанавий мақсадлардан ҳам, уларга эришиш учун зарур бўлган институционал воситалардан ҳам узоқлашадиганлар гуруҳи жамиятда маъқулланадиган анъанавий қадриятларни ҳам, институционал воситаларни ҳам қабул қиладиганлардан кўра кўпроқ девиантлик гуруҳининг шаклланишига ҳисса қўшади. Тоифалаштириш орқали ўқувчи-ёшлар қадриятларга ва институционал воситаларга нисбатан қарашларига кўра, таҳлил қилинди. Сўровномада қатнашган ўқувчи-ёшларнинг 34%и мавжуд қадриятлар ва институционал воситалардан қониқиш ҳосил қилишган бўлса, 11%

респондент бундай жараёнларга салбий жавоб беришди. Мавжуд кадриятлар қоникарли, лекин институционал воситалар қониктирмайдиганлар улуши 29%ни ташкил этган бўлса, кадриятлар қониктирмайди, лекин институционал воситаларни қоникарли баҳоловчилар 26%ни ташкил этган. Маълум бир давр оралиғида ўқувчи-ёшларимизни гуруҳларга мансублигининг фоиз кўрсаткичини даврий ўзгаришига қараб жамиятдаги жараёнлар динамикаси келажagini ҳам аниқлаб олишимиз мумкин. Тадқиқот натижасига қараб қайси ижтимоий гуруҳ вакиллари жамиятимиз учун конструктив ёки деструктив аҳамият касб этишини ҳам аниқлаш девиантология учун муҳим аҳамият касб этади. Жамиятдаги мавжуд кадриятдан ҳам, институционал воситалардан ҳам қоникмайдиган 11% ўқувчи-ёшлар девиант ҳаракатлар содир этиши эҳтимоли юқори ҳисобланади, улар имконият туғилса, ўзларига қулай вазият яратиш учун ноқонуний усулларни ишга солишлари мумкин.

Мазкур бобнинг учинчи параграфиди ўқувчи-ёшлардаги интеллектуал, ижтимоий-руҳий ўзгаришлар ўрганилган. Ўқувчи-ёшлик даврида ривожланишнинг янги босқичига кўтарилган ривожланишнинг динамик инерциясига кўра, ўқувчи-ёшлар хулқ-атвори янада мураккаб қиёфа ҳосил қилади. Тафаккурнинг ривожланиши ўқувчи-ёшлар интеллектини кўшимча маълумотлар билан бойитади. Ўқувчи-ёшлардаги мувафакқиятли ўзгаришлар ҳуқуқий саводхонлик ва маънан етуклик уйғунлиги шахс табиатига хотиржамлик, собитқамлик ҳам бахшида этади, ўз навбатида, девиантликка қарши тура олувчи ички омилни мустаҳкамлайди. Ўқувчи-ёшларда интеллектуаллик қанчалик юқори савияда ривожланса, улардаги қатъият шунчалик шаклланаверади.

Глобаллашув жараёни ўсмир-ёшлар хулқида ҳам ўзгариш ясаб, уларда турли салбий субмаданият кўринишлари урф бўлиб бораётганлиги янгича девиант хулқ-атвор намуналарининг юзага келишига сабаб бўлмоқда. Ўқувчи-ёшлардаги ижтимоий-руҳий ва интеллектуал ўзгаришлар натижасида қайсарлик, депрессив ҳолатлар, нарциссизм ҳамда “оммавий маданият”га хос сўзлашув риторикаси каби хусусиятлар ўсмир шахсиятида девиантлик омили сифатида кўзга ташланмоқда.

Жамиятдаги ўзгаришлар индивидуумдаги ўзгаришлар учун базис ҳисобланади. Тадқиқотчилар фикрига кўра, турли ёшдаги ўқувчиларнинг ижтимоий-руҳий қиёфасидаги ўзгаришлар “жамиятдаги ижтимоий ўзгаришлар” натижасидир<sup>13</sup>. Оиладан кўра тенгдошлар гуруҳи ўқувчи-ёшлар учун эркинликларни кўпроқ ҳадя қилади ва эркинликлар ўқувчи-ёшлар шахсиятида шўхликлар сифатида намоён бўлиши эҳтимоллиги юқори. Кузатишларимизга кўра глобаллашув натижаси ўсмир-ёшлар хулқида ҳам ўзгариш ясаб, уларда турли салбий субмаданият кўринишлари урф бўлиб бораётганлиги янгича девиант хулқ-атвор намуналарини юзага келишига сабаб бўлмоқда.

---

<sup>13</sup> Социология образования. Труды по социологии образования. Т. XIII. Вып. XXII / Под ред. В.С. Собкина. — М.: Институт социологии образования РАО, 2009. — С 17-18.

Диссертациянинг иккинчи боби «Ўзбекистонда таълим соҳасидаги ўзгаришлар, ижтимоий меъёрлар ва ижтимоий назорат» деб номланган бўлиб, унинг биринчи параграфи «Ўзбекистонда таълим соҳасидаги ўзгаришлар ва девиантлик» деб аталади. Таълим муҳим ижтимоийлашув агенти сифатида инсон камолотидаги асосий ривожлантирувчи ижодкор вазифасини ўтайди. Тартибсиз тарбия, тарбиясиз таълим бўлмаганидек, маънавий кўникмаларсиз солиҳ инсон шаклланмайди. Таълим ўқувчи-ёшларни комформ ёки нокомформ шахс сифатида шаклланишида селектор вазифасини ҳам ўтайди. Бу ердаги асосий муаммо нокомформ хулқ-атвор эгалари ва унга сабаб бўлувчи омиллардир. Ушбу соҳадаги муаммолар давлатимиз раҳбари томонидан ҳам қайд этиб ўтилган эди: “Иқтидорли, тарбияли болалар билан ишлаш осон, лекин ҳаётда қоқилган ёки ёмон муҳитга тушиб қолган ёшларни тўғри йўлга, эзгу мақсадга даъват қилиш, ишонтириш қийин”<sup>14</sup>.

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат – БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш таклифи халқаро жамоатчиликка билдирилди<sup>15</sup>. Ўзбекистонда БМТ билан ҳамкорликда илғор хорижий тажриба асосида тарбияси қийин бўлган болалар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда<sup>16</sup>. Халқ таълимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясида ривожланган давлатларнинг илғор тажрибасини ўрганган ҳолда умумтаълим муассасаларида ўқувчилар ўртасида зўравонлик (булинг)нинг олдини олишга қаратилган дастурларни жорий этиш ва мактабларда низоларни ҳал қилиш ва жинойтчиликнинг олдини олиш бўйича самарали ички тизим, шунингдек, ўқувчиларни хавф гуруҳидан чиқариш юзасидан махсус дастурлар ишлаб чиқиш кўзда тутилган<sup>17</sup>. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз аҳолисининг 32 фоизини ёки 10 миллионини 30 гача бўлган ёшлар ташкил этади<sup>18</sup>. Ўқувчи-талабалар 2017 йилда 6 552 700 нафарни ташкил этиб, бу тақрибан мамлакат аҳолисининг 20%ини ташкил этади<sup>19</sup>.

XX аср иккинчи ярмидан бошлаб, “таълим инқирози” тушунчаси кенг қўлланилмоқда<sup>20</sup>. Бизнингча, “таълим инқирози”нинг табиати бироз бошқачароқ, у илгаригиси сингари интеллектуал инқирознигина англатмасдан асосан девиантлик ҳолатларини замонавий ёш авлод учун хос белгилар тизими сифатида кўзга ташланишини ҳам англатади.

<sup>14</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимишни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 533 б.

<sup>15</sup> <http://lex.uz/m/acts/3864155>

<sup>16</sup> <http://uzedu.uz/Xtv/IndexBatafsil/71?ID1=1394>


<sup>17</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.04.2019 й., 06/19/5712/3034-сон

<sup>18</sup> Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2016. – 13 б.

<sup>19</sup> [stat.uz/uz/press-sluzhba/novosti-gks/1205-o-zbekiston-respublikasining-demografik-holati-3](http://stat.uz/uz/press-sluzhba/novosti-gks/1205-o-zbekiston-respublikasining-demografik-holati-3)

<sup>20</sup> Филиппов Ф.Ф. Социологический анализ проблем образования / Франция глазами французских социологов. – М.: Наука, 1990. – С. 232

Таълимга, энг аввало, ижтимоий эҳтиёж, тарбияга эса, энг аввало ижтимоий талаб намуналари тизими сифатида қарасак, ана шу эҳтиёж ва талаблар хамиша ҳам бир-бирига мутаносиб келавермаслиги табиий ҳол. Ўқувчи-ёшларда ана шундай номутаносиблик ҳолатларида девиантлик ҳолатлари эҳтимоли юзага келиши мумкин. Биз таълим муассасаларида ўқувчи-ёшлардаги эҳтиёжлар тизими ва девиантликнинг боғлиқлигини қуйидаги чизма орқали ифодалашга ҳаракат қилдик.



2-расм. Ўқувчи-ёшлардаги эҳтиёжлар тизими ва девиантлик

Ўқувчи-ёшлардаги шиддатли кечаётган ижтимоий-руҳий ривожланиш натижасида юзага келадиган ижтимоий, иқтисодий, маданий эҳтиёжларни қондириш, чекланган ресурслар ва эҳтиёжларни қондиришнинг қонуний йўллари самарасизлиги шароитида мазкур эҳтиёжларни ғайриижтимоий, ноқонуний усуллар ёрдамида қондириш имкониятлари ошириб юборилади ва девиантликка сабаб бўлади. Мазкур масалага дахлдор изланишлар олиб борган муаллифларнинг фикрича, жинойтчиликка мойил инсонларнинг эҳтиёжлари, асосан, бузилган шаклда ва моддий-утилитар характерга эга эканлиги таъкидланган<sup>21</sup>.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфи **“Ижтимоий меъёрлар ва ижтимоий назоратнинг девиантлик ҳолатларидаги ўрни”** деб номланади.

Жамиятдаги, шу жумладан, таълим муассасасидаги ижтимоий меъёрлар статик ҳолатда эмас, у ўзгаришлар давомида муносабатларни ҳам ўзгартиради. Бундай муносабатларга шахснинг ёки муайян социал гуруҳларнинг ҳаракат мотивлари, мулоқоти, ижтимоий кутишлари, меъёрларни баҳолашини киритишимиз мумкин. Девиантологияда социал муносабатларнинг қандай воситалар ёрдамида амалга оширилиш имкониятлари ҳам муҳим. Бунга мисол тариқасида эркинлик чегараси

<sup>21</sup> Душанов. Р.Х. Жинойтчи шахс психологияси – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси, 2011. – 20 б.



қаергача, деган савол ўқувчи-ёшлар учун жуда муҳим. Ўқувчи-ёшлар ўртасида ўтказилган социологик тадқиқотда 31% ўқувчи-ёшлар жамиятдаги меъёр ва қонунлар ҳаракатларимизни чеклаши табиий ёки зарурий ҳол дея ҳисоблашган. Қолган 3/2 қисм респондент учун ижтимоий меъёрлар ноаниқ характерга эгаки, улар учун мақбул бўлмаган кадрият шаклланиши мумкин. Сўровномадаги “неча фоиз ўқувчилар ички тартиб-қоидаларга роия қилади деб ўйлайсиз?” деган саволга 47% ли кўрсаткич қайд этилдики, респондентлар назарида ўқувчи-ёшларни қолган ярми ички тартиб-қоидаларга роия қилмайди. Ўқувчи-ёшларнинг кўпчилиги учун меъёрларнинг регулятив вазифасини тан олмаслик ёки тартиб-қоидаларга роия қилмаслик каби жараёнлар меъёрларни нисбийлаштириб, уни ноаниқлаштиради ҳамда ижтимоий назоратни беқарорлаштиради ва эҳтимолий девиантлик вазиятига сабаб бўлади. Бундай ҳолат мавжуд меъёрларни самарали воситалар ёрдамида мувофиқлаштириш заруриятини билдиради. Тадқиқотимиз натижаларига кўра, “келажакдаги иш жойингизда билимни талаб қилиниши сизга қандай таъсир кўрсатади”, деган саволга 66% респондент мутлақо ижобий таъсир кўрсатишини билдириб ўтишган. Жамиятдаги вазият ўқувчи-ёшлар хулқи ориентациясини белгилашда устувор аҳамиятга эга эканлиги, яъни мантиқий дедукцияга кўра, ўқувчи-ёшлар муаммолари жамиятдаги муаммоларни ўзида акс эттириши бизнинг тадқиқот натижаларида ҳам ўз аксини топган.

Махсус тадқиқотлар натижасига ва кузатувларимизга кўра, таълим муассасаларидаги кичик гуруҳларда (ингуруҳларда) қуйидаги ижтимоий ҳолатлар мавжуд:

- гуруҳ ичидаги сир-асрорларни бошқа гуруҳдагиларга билдирса ҳам, раҳбариятга билдирмаслик (социологик сўровнома натижаларига кўра, ушбу саволга жавоб берган 50% респондент “кўпинча билдирилгани билан ҳеч нарса ўзгармайди” деган жавобга тўхталишган);
- гуруҳда “кемага тушганни жони бир” мақолига амал қилиш;
- турли жамоат ишларида жонкуярлик қилиш гуруҳдошларнинг таънасига сабаб бўлиши мумкинлигини англаш;
- ўқиш янги билим ва малакаларни ҳосил қилиш учун эмас, балки дипломли бўлиш учун. Социологик сўровнома натижаларига кўра, фақатгина 23% респондентгина танлаган мутахассислигидан қониқиш ҳосил қилишини билдирган. Олий таълимдаги мутахассислар фикрича, талабаларнинг билимга интилмаслигининг асосий сабабларидан бири айнан мутахассисликларидан қониқмаслиги ёки келажакда иш берувчиларнинг билим талаб қилмаслик эҳтимоли юқорилигидир;
- сабр-тоқат ва иродани ишга солиб, тинмай ўқигандан кўра, ўқитувчилар ва раҳбарият билан яқинлашиш бир қатор афзалликларга эга (сўровнома натижасида ушбу қараш тарафдорлари 30%ни ташкил этади). Таълим муассасаларидаги вазифалар, мажбуриятларни ғайриқонуний усуллар билан бажариш қулайроқ бўлса, ўқувчи-ёшлар ўша томонга ҳаракатланади. Сабр-тоқат ҳозирги авлод учун камёб ҳодисага айланиб бораётганлиги

зиёлиларимиз томонидан ҳам билдирилмоқда. Инсон умрининг қайсидир даврдан иродани ишга солиб билим-малакаларни эгаллаши ва натижада, инсон умрига татигулик ютуқларга замин яратиши ҳозирги авлод зеҳниятида мустаҳкам эмас. Устқурманинг мувафаққиятга эришиши базисга боғлиқ бўлганидек, таълим ёшидаги эгалланган билим ва малакавий кўникмалар умр давомида сарфлаб тугатиб бўлмайдиган бойлик билан тенглиги англашилиши қийин кечмоқда.

Ўқувчи-ёшлардаги девиантлик ҳолатларининг юзага келишида ижтимоий меъёр-тартиботларни ва жамиятдаги муҳит таъсирини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

1. Ҳар қайси жамиятдаги ижтимоий меъёрлар ва назорат шакллари ўқувчи-ёшлардаги ўзига хос меъёрлар тизимига нисбатан доминант хусусиятга эга. Ана шу доминантлик ўқувчи-ёшлардаги девиантликнинг омиллари ва сабабларида ҳам устувор аҳамиятга эга.
2. Жамиятдаги мавжуд ижтимоий меъёрларнинг ноаниқлиги ва жамоавий назоратнинг беқарорлиги ўқувчи-ёшларда девиантликнинг юзага келишига таъсир этувчи муҳим омилдир.
3. Тарбия субъектларининг имижини қанчалик юқори бўлса, ўқувчи-ёшларнинг нокомформлилик (тарбияга ёпиқлик) ҳолатидан комформлилик (тарбияга очиклик) ҳолатига ўтиши манфаатли, осон-қулай экан, девиантликнинг олдини олиш ва унинг профилактикаси самарадорлиги ортиб бораверади.
4. Янгиланаётган жамиятга мос таълим соҳасида социал назоратнинг янги механизмларини шакллантириш даври қанчалик узоқ давом этса, девиантликка сабабчи аномия ҳам шунчалик узоқ вақт давом этади.
5. Биз девиантликнинг салбий кўринишларидан ҳалос бўлган кишиларга нисбатан ҳали ҳам меъёрлардан оғувчи шахс мақомида назар ташласак, у жамият учун ҳамон девиант ҳисобланаверади. Муносабатнинг ўзгармаслиги, ҳатто соғломлашган собиқ девиантлар учун анчагина оғриқли жараёнки, бу индивидни девиантлик мақомига қайтиши имкониятини оширади

Социал назорат ўқувчи-ёшларни комформлилик андозалари доирасида ушлаб туришда намоён бўлиб, у хавфсизлик туйғусини ҳам шакллантиради. Девиантлик ижтимоийлашув ва социал назорат келтириб чиқариши мумкин бўлган босимлар билан узвий боғлиқ. Ижтимоий босимлар айримларда хавотирни, салбий тасаввур ва иддаоларни келтириб чиқаради. Ана шундай босимларнинг салбий таъсирига қарши тура оладиган иммунитет шаклланишида ўз-ўзини назорат қилиш муҳим аҳамиятга эга. Девиантликка қарши курашда ички социал назоратнинг ўрни ҳақида, Фредерик Иван Найнинг фикрича, ижтимоийлашув натижасида виждонлилик, яхши ва ёмон, мақбул ва номақбуллик шаклланади<sup>22</sup>. Кейинчалик комформлилик жамият томонидан кўлаб-қувватланаётган жамиятларда оқ-қорани ажратиш каби оддий мулоҳазалардан охират тушунчалари каби мураккаб фундаментал аҳамиятга эга ориентация ҳосил бўлади. Динга кенг йўл очилаётган бугунги

<sup>22</sup> Смелзер Н. Социология: пер. с англ. -М.:Феникс,1994. – С. 208

кунда бундай ҳолат ўқувчи-ёшлардаги девиантлик профилактикасида диний контекст етакчи омиллардан бири ҳисобланади.

**Диссертациянинг учинчи боби “Ўқувчи-ёшларда девиантликнинг социологик таҳлили ва профилактик омиллар”** деб номланган бўлиб, унинг биринчи параграфи “Ўқувчи-ёшлардаги девиантликнинг социологик таҳлили” деб аталади.

Бугунги кунда ижтимоий тизимларга доҳил таълим муассасаларидаги ижтимоий-маънавий муҳит ва девиантлик ҳолатларини ўрганишда амалий тадқиқотларга таяниш талаб қилинади. Ёшларимиз ўртасида ҳукуқий маданият, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган ишлар самарасини оширишни бугунги даврнинг ўзи талаб қилмоқда<sup>23</sup>.

Илмий-назарий изланишларимизнинг амалий асоси сифатида мавзу юзасидан мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ўтказилган социологик сўровлар<sup>24</sup> ва бошқа амалий тадқиқотлардаги хулосалар бизга ўрганилаётган масала юзасидан муайян маълумотларга эга бўлиш имконини беради<sup>25</sup>.

Таълим муассасаларида ўқувчи-талабаларга нисбатан ўқитувчиларнинг муносабати сўралганда респондентларнинг 13%и ўқитувчилар ўқувчи-ёшларга нисбатан бепарво, 7%и ишончсиз муносабатда эканини эътироф этишган. Сўралганларнинг қолган қисми уларга нормал ёки ижобий тасниф беришган. Демак, ўқувчи-ёшлардаги девиантликнинг объектив омилларидан бири бўлиши мумкин бўлган ўқитувчилар бу борада асосий сабабчи эмас экан. Таълим муассасаларидаги ички тартиб-қоидаларга риоя қилишга доир муносабат ўрганилганда респондентларнинг 47%и ўқувчи-талабаларнинг ички тартиб-қоидаларга риоя қилишларини билдиришган. Таълим муассасаларидаги таълим олувчиларнинг 53%и муайян даражада ички-тартиб қоидаларга риоя этмасликлари хавотирли симптомларини билдиради ва таълимни бошқарувчи органлардан тизимли ислоҳотларни талаб этади. Таълим муассасасига ташқаридан таъсир, шу жумладан, ота-оналар томонидан таъсир ўтказиш ҳолатлари ҳақидаги саволга 60% респондент уларнинг таъсири борлигини билдиришган. Таълим муассасалари мустақил иш олиб бориш имкониятларининг янада ортиши ва баҳолашнинг онлайн тизимига ўтилиши каби инновацион жараёнлар айрим тоифадаги босимларнинг бўлишига ҳожат қолдирмайди. Тадқиқот саволларига жавоб берганларнинг 67%и ўзларини тарбияланувчи ёки таълим-тарбия олувчи

<sup>23</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 89 б.

<sup>24</sup> “Ўқувчи-ёшлардаги меъёрдан оғишлар – келажакка таҳдид” мавзусидаги социологик сўровномада иштирок этганлар жинсига кўра, 56%и ўғил болалар ва 44 %и қиз болаларни ташкил этди. Тадқиқотда респондентларга 2200 та анкета сўровномаси тарқатилган бўлиб, шундан 2032 таси яроқли деб топилди. Сўровномага Республикаимизнинг турли ҳудудларидаги тасодифий саралаш орқали танлаб олинган умумий ўрта мактабларнинг юқори синф ўқувчилари, ўрта махсус таълим ва олий таълим талабалари жавоб бердилар.

<sup>25</sup> [ijtimoiy-fikr.uz/uz/oav\\_materiallari/navqiron\\_avlodning\\_qiziqish\\_va\\_qarashlari\\_organildi\\_nuz.uz/mening-zbekistonim/27026-srov-ituvchilar-ohirgi-yillarda-uvchilar-orasida-nufuzini-yotmoda.html](http://ijtimoiy-fikr.uz/uz/oav_materiallari/navqiron_avlodning_qiziqish_va_qarashlari_organildi_nuz.uz/mening-zbekistonim/27026-srov-ituvchilar-ohirgi-yillarda-uvchilar-orasida-nufuzini-yotmoda.html) Аликариева А.Н. Олий ўқув юртлиларида социал бошқарув механизмларини яратиш орқали таълим сифатини ошириш. Социология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати –Т.: ЎЗМУ, 2008; Юнусов А.Б. Ўсмир-ёшларда ижтимоий девиантлик ҳолатларининг социологик хусусиятлари. Социология фанлари номзоди даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. –Т.: ЎЗМУ, 2004;.

эмас, айнан тингловчи сифатида кўзда тутадилар. Ўзларини тингловчи қиёфасида кўрувчиларни кузатганимизда, уларда камтарлик каби комформ хулқ-атвор намуналари меъёрий даражада эмаслиги сезилди.

Ўқувчи-ёшлар ўртасида табақаланиш мавжудилигини 35% респондент билдирган, бу жамиятда юз бераётган иқтисодий тараққиёт натижасида иқтисодий имкониятга эгалик ижтимоий имкониятлар ортиб бориши билан пайдо бўладиган мезон бўлиб, микромуҳитни (девиантлик гуруҳи) ва макроижтимоий вазиятларда девиантликка сабаб бўлувчи омиллардан бири ҳисобланади. Ўқувчи-ёшлардаги табақалашувни девиантликни келтириб чиқарувчи омилга айлантирмаслик механизмлари бу борадаги энг самарали профилактик чорадир. Девиант хулқ-атворли ўқувчи-ёшларни кўпинча фаолиятига, ҳаракатига кўра уларга берилган турли нисбат ва лақаблар мавжудлиги кўзга ташланди. Айниқса, тажовузкор хулқ-атворли ўқувчи-ёшлар ўзларини бошқалардан устунлик жиҳатларига эгадай тутишади. Кузатишларимизга кўра, ўрта мактабларда ўқувчилар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар, асосан, уларнинг бир-биридан қанчалик кучлилигига (асосан, жисмоний) қараб белгиланиши кузатилмоқда. ОТМларда эса бу жараён кўп укладли тизимга ўхшаш, яъни иқтисодий-ижтимоий имкониятларга эга талабалар тоифаси бошқа тоифадагилардан кўра кучлироқ таъсирга эга. Тадқиқот натижаларига кўра, ўқувчи-ёшлар ўртасида табақаланиш ўзаро муносабатларга таъсир ўтказиши кузатилди.

Таълим муассасаларида ўтказилган махсус социологик тадқиқотлар натижасида, девиант хулқли деб олинган респондентларнинг сўровномалари таҳлил қилинди. Ушбу таҳлилдан келиб чиққан ҳолда девиант хулқли ўқувчи-ёшларга хос қуйидаги жараёнлар ва хусусиятлар кўзга ташланди:

- таълим муассасасидаги девиант хулқ-атворлилар гуруҳдошлари ноҳақ бўлса ҳам улар тарафида бўлишади (жами ўқувчи-ёшларни 26%ида учрайди);
- улар таълим муассасасидаги ички тартиб-қоидаларга кўпинча риоя қилмайди;
- девиант хулқлиларнинг кўпчилиги ўқитувчилар кўпчилик ичида уни беҳурмат қилса, ўша заҳоти жавоб қайтаришини билдиришган (жами ўқувчи-ёшларни эса 28%ида);
- уларнинг аксарият қисми бошқа муқобил жавоблардан кўра, моддий фаровонликни устун кўришган (жами ўқувчи-ёшларнинг 20%и моддий фаровонликни устун кўйишган);
- девиантлар мавжуд меъёрларга амалда риоя қилмасалар ҳам ўзларини риоя қилгандек тутишади (жами ўқувчи-ёшларни 14%и ўзини шундай тутди);
- уларнинг деярли барчаси ўзларини таълим-тарбия олувчи эмас, тингловчи деб билишларини билдиришган;
- уларнинг аксарият қисми даврада яққол етакчиларнинг йўқлигини таъкидлашган (жами ўқувчи-ёшларнинг 40%и), ушбу ҳолат таълим муассасаларидаги девиант хулқли ўқувчи-ёшлар етакчиларни тан олмасликларини ҳам билдиради;

- уларнинг кўпчилиги таълим муассасасида энгил ҳаётга ўрганган қизларни мавжудлигини билишади (жами ўқувчи-ёшларни эса 58%и);
- девиантларнинг асосий қисми спиртли ичимликлар истеъмол қилишини билдиришган (жами ўқувчи-ёшларнинг 52%ида шундай ҳолат рўй беради);
- девиант хулқлиларни неча ёшдан жиноий жавобгарликка тортиш мумкинлиги ҳақидаги саволга жавоби бошқа ўқувчи-ёшларни жавоб кўрсаткичларидан деярли фарқ қилмайди (жами ўқувчи-ёшларнинг 11%и);
